

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ КОРЕЯ  
РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ  
ИШЛАР ВАЗИРИНИ  
ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 апрель куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Корея Республикаси таъқи ишлар вазири Кан Гён Хва хонимни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий куллар экан, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари мустаҳкамланиб, стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланаётганини чуқур мамнуният билан таъкидлади.

Суҳбатда 2017 йил ноябрь ойида Жанубий Кореяга олиб борадиган тарихий ташиф ҳамада унинг якунида эришилган муҳим қелишувлар ўзбекистон — Жанубий Корея ўзаро манфаатли ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва аниқ амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилгани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо кўрсаткичлари изил ўсиб бормоқда. Жанубий Корея Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестициялар ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. «Поско-ДЗУ», «ДжиЭкс», «Звергрин», «Янгун» ва бошқа кўплаб компаниялар билан биргаликда қиймати 5 миллиард доллардан ортиқ янги инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Жорий йилнинг февраль ойда Тошкентда янги форматда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича биринчи қўшма ҳукуматларро у-рашув муваффақиятли ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш, мактабга таълим, шахар бошқаруви, энергетика, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва иқтисодий соҳани ривожлантиришда Жанубий Кореянинг илгор тажрибаси, илмий ютуқлари ва технологияларидан фойдаланишга қаратилган қўшма дастурлар фаол амалга оширилмоқда.

Корея Республикасининг етакчи мутахассислари мамлакатимиз вазирликлари, идора ва ҳокимликлари томонидан маслаҳатчи сифатида жалб этилмоқда. Гуманитар, таълим ва туризм соҳаларида алмашинувлар кенгаймоқда.

Учрашувда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари ҳамда халқро ва минтақавий сиватнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашишди.

Ўзбекистон Республикаси, Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин томонидан Корея яриморли ва бутун минтақада тинчлик ва ҳафсизлиқни таъминлаш борасида амалга оширилаётган сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлаш таъкидланди.

Президентимиз режалаштирилаётган олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда муҳим аҳамият касб этиши ва янги истиқболли келишувларга эришишни таъминлашига ишонч билдирди.

Ташқи ишлар вазири Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Мехмон Жанубий Корея Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан жорий йил март ойда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция янгуларини юксак баҳолашини, ушбу анжуман, шубҳасиз, минтақада барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлашда муҳим ҳисса бўлиб қўйишларини таъкидлади.

Вазир Ўзбекистон Президентига Жанубий Корея фуқаролари учун вазисиз тартиб жорий этиш тўғрисида қабул қилинган қарор учун самимий миннатдорлик билдирди, бу сайёҳлар оқимида салмоқли даражада ошириш ва ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилаётганини қайд этди.

Учрашув сўнгида Кан Гён Хва Жанубий Корея икки томонлама стратегик шериклик муносабатлари ва кенг кўламли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

## МАРДЛИК, БУРЧ ВА САДОКАТ



## УРУШ КЎРГАН НИГОҲЛАР

Уруш кўрган нигоҳларни кузатганмисиз? Бугунги замондан шукроналик нафаси баллиб турса-да, беомон урушининг қақшатиқ оловлари, қаттиқ жароҳат-дан жон талвасидача юракларни ларзага солиб ҳайқираётган қандачдан-қанда оҳ-воҳлар, нолаву фигонлар мангула муҳрланиб қолган бу сўлгин кўзларда... Ҳа, биз, бугунги авлод ҳар қанча уринмайлик, уруш кўрган қалблардан ўтаётган кечинмаларни асло тасаввур қила олмаймиз...

Қашқадарё вилояти Китоб туманида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Маждид бобо Хидиров ҳам навқирон йигитлик чоғининг беш йиллини жангхоҳларда ўтказди. Лекин унинг оташ қалбида бир учкун мудом порлаб турди. Бу учкун — Ватан соғинчи, яқинларининг меҳри, ота-онасининг умидлари эди. Мана шу эзгу туйғулар уни уруш оловидан омон сақлади. Ўз юртига ёнғун юз билан қайти.

Урушдан кейинги йилларда халк

хўжалигининг турли бўгинларида сидқидилпан меҳнат қилган Мажид бобо бир кам 100 ёшда. Ҳали бардам, тетик. Ҳар тонг томорқадаги боғни айлиноб, тоза ҳавода сайр қилади. 11 фарзандни тарбиялаб, элга қўшган бобо 56 набири, 108 чевара ва бир зварда ардоғида. Улар жам бўлса, ҳовлига сигмайди, гуё кимдир тўй берапти. дейсиз.

— Насиба экан, кексалари эъзозда,  
ёшлари иззатда бўлган мана шундай

тинч-осойишта замонларни ҳам кўрдим. Энди аризонини қолмади, — дейди Мажид бобо Хидиров кўзларига ёш қалқиб. — Юртимизга кўз тегмасин. Кунда бир ўзгариш, янгилик... Жангхоҳларда кечган умирим бехуда кетмаганига қувонаман. Туман ҳокимлигиндан, маҳалладан вакиллар қелиб, ҳолимизни сўраб турибди. Қуни кеча Президентимизнинг биз, уруш қатнашчиларини рабатлантиршиз тўғрисидаги фармони қабул қилинганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Бундай эзгу ишлар бошида турган, кескаларни эъзозлаган давлатимиз раҳбаридан миннатдорман.

Ў.БАРОТОВ,  
ЎЗА мухбири.

**МУНОСАБАТ**

# Миллий ва диний

қадриятларимизга юксак эътибор

Диний қадриятларимизни эъзозлаш, буюк аجدодларимизнинг илмий меросини ўрганиш, улар мангу қўним топган масканларни обод қилиш бўйича сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар диний-маърифий соҳада чинакам тарихий воқеалар бўлди.

4

## ШИРКАТДАН ШИКОЯТ ҚИЛМАНГ,

уни бошқаришда ўзингиз  
иштирок этинг

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва  
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги  
ҳамкорлигида «Уй-жой, коммунал хўжалиги  
соҳасидаги муаммо ва ечимлар» мавзусида  
давра суҳбати ўтказилди.

— Уй-жой, коммунал соҳадаги муаммолар ҳеч биримизга бегона эмас, — деди **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Дилшод Остонов**. — Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, вазирлик-мига ширкатлар фаолияти юзасидан мингдан ортиқ шикоят тушган. Имконият даражасида уларни ечишга ҳаракат қиляймиз. Аммо қўчлик ҳали ҳам соҳада янги тизимга ўтилгани ва ширкатлар фаолиятида фуқароларнинг ўзлари бевосита иштирок этиши кераклигини чуқурроқ англаб етгани йўқ. Ширкат расмлари билан бўлган суҳбатда аҳолининг ҳисобот мажлисларига чиқмаслик ҳолатлари кўп кузатилаётганини эшитамиз. Бу уларнинг ўзи мулкларига бефарқ қарашларини англатмайдими?..

► Давоми 2-бетда

## НОГИРОНЛИК ТУШУНЧАСИГА МУНОСАБАТИМИЗНИ ЎЗГАРТИРИШИМИЗ КЕРАК

Жорий йилнинг 21 февраль кун  
Ўзбекистон Ногиронлар ассоци-  
ацияси Адлия вазирлиги рўхати-  
дан ўтиб, ўз қаолиятини бошла-  
ди. Ҳозирга қадар 22 ногиронлар  
жамоат ташкилоти аъзолика қабул

қилинди. Янги ташкил этилган ассоциациянинг мақсад-вазифалари нималардан иборат? Бу ҳақдаги саволларга жавоб топиш мақсадида ассоциация раиси Ойбек Исоқовга мурожаат қилдик.

▶ Давоми 2-бетда



## Нуронийларга кўрсатилаётган ҳурмат ва эътиборнинг юксак намунаси

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида бир гуруҳ нуронийлар, меҳнат фахрийларини Президентимиз томонидан таъсис этилган «Меҳнат фахрийси» кўрак нишони билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тadbирда Ўзбекистон faxрий-ларининг ихтимой фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси Республика бошқаруви раиси Ш.Жалилов ва бошқалар Президентимиз томонидан мамлакатимизда

нуронийларга, кекса авлод вакилларига хурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентиэмиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон faxрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жағма-маси фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармониға мувофиқ «Меҳнат faxрийси» кўкрак нишонининг таъсис этилиши бу борадаги ишлар салмоғини янада ошириди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 июлдаги «Мехнат фахрийси» кўкрак нишонини тасвир этиш тўғрисида»ги қарорига биноан «Мехнат фахрийси» кўкрак нишони тўғрисидаги Низом, кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасининг тавсифлари, кўкрак нишони билан тақдирланган шахслар яшайдиган хонадонлар ва уй-жойлар эшикларига ўрнатиладиган белигининг тавсифи тасдиқланган.

► Давоми 3-бетда



# ШИРКАТДАН ШИКОЯТ ҚИЛМАНГ,

уни бошқаришда ўзингиз иштирок этинг



Савжар ШОТЎЛАНОВ оғли сураёт

Жорий йилга мўлжалланган Давлат дастурида «Хусусий уй-жой ширкатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозимлиги белгиланган. Шунга асосан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режаси тасдиқланган. Бу ишга ўндан ортиқ вазирлик вакиллари ва йигирма нафардан ортиқ малакали мутахассислар жалб қилинган.

Март ойидан бошлаб Facebook ижтимоий тармоғидаги «mjko2» гуруҳида соҳадаги 8 йўналиш асосида саволномалар эълон қилдик. Тўғри, қонун лойиҳаси тайёр бўлган, ҳалқ муҳокамасига қўйилди. Биз жараёнга қадар қонун лойиҳасини мукамал тайёрлашга интиляпмиз. Шу ўринда гуруҳ фойдаланувчилари томонидан

билдирилаётган таклифлар ўринли ва ҳаётийлиги билан ажралиб турганини айтиб ўтмоқчиман. Масалан, кўп қаватли тураржой биноларининг биринчи қаватида тадбиркорлик қилиш мақсадида кўпгина хонадонлар нотураржой сифатида рўйхатдан ўтказилган. Табиийки, улар хизмат турига қараб мослаштирилган. **Айримларида таянч деворлар олинган ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бу зилзила ёки бошқа табиий офат вақтида бино сифатига жиддий таъсир қилиши мумкинлигини англаш керак.** Аҳоли томонидан бундай нотураржой биноларига жарима солиш ва қайта ҳиҳозлаш амалиётини йўлга қўйиш лозимлиги ҳақидаги таклифлар билдирилмоқда.

Вазирлик қошида уй-жой фондини назорат қилиш мақсадида

Маълум бир қатламнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб қабул қилинаётган ҳужжатларни тайёрлашда шу қатламнинг бевосита иштирокини таъминлаш — жуда долзарб масала.

— Партиямиз Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан меморандум имзолаган. — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлими бошлиғи Боймурод Юсупов.** — Бугунги кунда мазкур меморандум ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Хусусий уй-жой ширкатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар берилмоқда.

Шу ўринда бир хижатта этиборингизни қаратсам, ширкатлар кредит олиб, маблагнинг асосий қисmini кўп қаватли тураржойларнинг том қисми ва подъездларни таъмирлашга сарфламоқда. Ички йўлларга бетон қопламалари ётқизиляпти. Баъзи ҳолларда кредит тўғри сарфланмай, аҳоли ишончини суистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланган қоляпти. Оқибатда аҳоли зинн кўрапти. Шунини алоҳида айтиш керакки, кредитни қоплаш мақсадида белгиланган тўлов миқдори сезиларли даражада оширилмоқда. Аммо уларнинг орасида эҳтижманд аҳоли вакилларининг ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Қарийб бир


ярим баробар оширилган тўловни тўлашга қурби етмайдиган оилалар ҳам йўқ эмас. Бундай аҳоли вакиллари учун маълум бир имтиёзлар яратилиши лозим. Шу ўринда амалий таклифлар ишлаб чиқиб, тегишли давлат органларига тақдим этиш муҳим масала ҳисобланади.

Уй-жой ва Шаҳарсозлик кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш даркор. Бу жараёнда уй-жой коммунал соҳасидаги муаммоларни бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Давра суҳбатда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Нигора Эшметова сўзга чиқиб, соҳада амалга оширилаётган иш-лохотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчилик орасида кенг тушунтириш, аниқланган муаммолар юзасидан депутатлик назоратини кучайтириш ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мутахассислар иштирокчиларни кизиктирган саволларга жавоб берди.

**Махлиё АЛИКУЛОВА,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



## ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# НОГИРОНЛИК ТУШУНЧАСИГА МУНОСАБАТИМИЗНИ ЎЗГАРТИРИШИМИЗ КЕРАК



**Ойбек ИСОҚОВ,**  
**Ўзбекистон Ноигиронлар ассоциацияси раиси:**

— Маълумки, мамлакатимизда анча йиллардан буюн Ноигиронлар жамияти фаолият юритиб келмоқда. Суҳбат аввалида ассоциация билан жамиятнинг вазифалари ўртасидаги фарқ ҳақида гапириб берсангиз.

— Бугунги кунда юртимизда ноигиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ 78 жамоат ташкилотлари фаолият олиб боради. Ушбу ташкилотлар ноигиронлигининг турига қараб улар ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олган. Ўзбекистон ноигиронлар жамияти ўзининг 160 бўлинмалари билан ана шу 78 ташкилотнинг бири ҳисобланади. Жамиятта жисмоний ва юридик шахслар, ассоциацияга эса фақат юридик шахслар аъзо бўлиши мумкин. Шу ўринда Ўзбекистон ноигиронлар жамияти Ассоциация баҳарган вазифаларини уудалай оламсмиди, деган савол туғилиши табиий. **Ноигиронликнинг тури кўп. Уларнинг ҳар бири ўзига хос. Бирининг имконияти иккинчисиники билан тенг эмас. Лекин ноигиронлар жамоат ташкилотлари хилма-хиллигига қарамадан, уларнинг умумий муаммолари ҳам мавжуд. Ана шу умумий муаммоларини давлат органларига етказиш ва уларни бартараф этиш таклифларини олиб чиқадиغان ташкилот мавжуд бўлмаган. Бошқача айтганда, ноигиронлар жамоат ташкилотлари бир-бирининг манфаатларини тўлиқ ифода қилишга олмайдди. Бу эса миллий ва**

халқаро даражадаги ягона стратегияни ишлаб чиқиш имконини бермади. Тасаввур қилинг, бир масала юзасидан давлат идораларига ўн та жамоат ташкилотлари мурожаат қилгани маъқулми ёки бирлашиб, умумий таклиф билан чиққанми?.. Биз бир тана аъзоларидек жиспласишимиз лозим эди. Шунда овозимиз баландроқ бўлиб, фикримиз тегинарлариди.

Яна бир омил ҳақида тўхталсам, бугунги кунда Халқаро ноигиронлар жамиятига 164 давлат аъзо бўлган. Юртимиздаги ноигиронлар жамоат ташкилотлари мазкур халқаро ташкилот аъзоси бўлишга ҳаққи бор. Аммо бир давлат номидан саксонга яқин ташкилотнинг Халқаро ноигиронлар жамиятига аъзо бўлиши нотабий эмасми?..

Жорий йил якунига қадар ассоциация ноигиронларнинг халқаро ташкилот аъзоллигига киришни режалаштирган.

Ассоциация олдида турган устувор вазифалардан яна бири Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ноигиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясини ратификация қилиш масаласидир. Афсуски, тегишли қонунларимиз ушбу Конвенцияда белгиланган халқаро талаблар ва стандартларга тўлақонли жавоб бермайдди. Ўйлайманки, ратификация қилиш орқали соҳада қатор ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлайди. Негаки, Конвенцияда нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари олдидаги вазифалар ҳам аниқ белгиланган бўлиши керак. Улар ноигиронлиги бўлган шахслар манфаатлари билан боғлиқ қонунлар ижросини мониторинг қилиши ва жамоатчилик назоратини олиб бориши лозимлиги қайд этилган. Мониторинг якуни бўйича ҳар тўрт йилда Конвенцияни ратификация қилган давлатлар БМТнинг ноигиронлар ҳуқуқлари кўмитасига унинг баҳарлилиги юзасидан мубоҳил ҳисобот бериб боради. Давлат ҳисоботи билан бирга, ноигиронлар ташкилотларининг ҳисоботи ҳам эшитилади. Ноигиронлар ташкилотларининг номидан ушбу ҳисоботларни Ассоциация тайёрлайди. Бу эса жуда катта масъулият.

Умуман, Ассоциация давлатимиз ҳудудидан барча ноигиронлик билан боғлиқ ташкилотлар

фаолиятини яхшилашга, тақомиллаштиришга кўмаклашяди.

— Ассоциация ноигиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент фармонида белгиланган вазифалар билан боғлиқ қандай ишларни амалга оширмоқчимиз?

— Аввало, мамлакатимизда истиқомат қилаётган 600 минг нафардан ортиқ ноигиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда мазкур фармоннинг ўрни бениҳоя катта бўлганини таъкидлаш жоиз. Унда белгиланган меъриёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ноигиронлар жамоат ташкилотларининг иштироки кўзда тутилган. Шу кунга қадар Ноигиронлар жамиятидан бошқа ташкилотлар қонунчиликка таклиф беришда турли сабабларга кўра оқсаятган эди. Ассоциация юқоридagi омилларни ўрганиб, уларни бартараф этиш чора-тад

давлат статистика кўмитасига берган 17 банддан иборат таклифдан 12 таси қабул қилинганидан хурсанд бўлидик. Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг ноигиронлиги бўлган шахсларнинг статистик ҳисобига олиш тизимини тақомиллаштириш тўғрисидаги қарори ҳам эълон қилинди.

Хўш, бизда статистика масаласи қандай эди? Шу вақтгача статистик маълумотда ноигиронлиги бўлган шахсларнинг умумий, вилоятлар кесими бўйича сонни, жинси ва ёшдаги тафовут акс этарди. Бошқа маълумотлар билан ҳеч қимнинг иши бўлмади. Уларнинг қанча қисми уйга муҳтож, ижтимоий аҳамиятга молик биноларнинг қанчасида пандуслар ўрнатилган, қонунчиликда белгиланган 3 фоизлик квота бўйича қанча ноигиронлиги бўлган шахслар ишга жойлаштирилган ва қанча махсус иш ўринлари яратилган, ноигиронлиги бўлган шахсларнинг қанчаси олий таълим муассасаларида тахсил олётгани ва бошқа маълумотлар

бевосита иштирокини таъминлаш — жуда долзарб масала. Бу эса ижтимоий шериклиқ асосида амалга ошириш дарғумон. Ижтимоий шериклик орқали қонунлар, қарорларнинг сифати ошади, деб ўйлайман. Ижтимоий шериклик йўлга қўйилмас экан, самарали на тижкага эришиш қийин эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ассоциациянинг ташкил идораларидан бири ҳам давлат идоралари билан ноигиронлар жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклигини изчил йўлга қўйишдан иборат.

Яқинда Парламент фонди ижтимоий буюртма эълон қилди. Унга кўра, нодавлат нотижкорат ташкилотлар давлат идораларидан бири билан ижтимоий лойиҳа ишлаб чиқиб, фондга тақдим этиши лозим эди. Аммо ҳеч қим бу имкониятдан фойдаланмади. Шундан кейин Ассоциация жараёни ўрганишни бошлади. Аъзо ташкилотларимизга лойиҳа тузиш, тақдим этиш масалалари ҳақида ўқув курсларини ташкил этмоқчимиз.

Ўзимиз ўрнат қўрсатиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамкорлигида ноигиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳа ишлаб чиқишга келишиб олдик. Унга кўра, иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича махсус марказ ташкил этиш режалаштирилган. Бунда касба тайёргарлик, юридик ва психологик хизматлар ташкил қилиниши ҳам кўзда тутилган.

Ижтимоий шериклик тўғрисида қонун қабул қилинганга уч йил бўлди. Қонунда давлат идоралари қошида ННТлардан иборат махсус кенгашлар ташкил қилиш мумкинлиги белгиланган бўлиши эди. Аҳамият бериб, мумкин эди. Аммо Ноигиронлар жамияти ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги махсус кенгашдан бошқа бирор кенгаш тузилмади. 2018 йил Давлат дастурида ана шундай кенгашлар ҳар бир давлат идоралари таркибиде фаолият юритиши шартлики белгиланди. Бу борадаги ишлар назоратига алоҳида эътибор қаратимиз. Ассоциация ноигиронлик масалалари билан шуғулланувчи барча вазирлик, қўмиталар ҳамда Олий Махлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси қошида махсус кенгаши тузиши ҳам режалаштирилган.

— Ноигиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Ассоциация фаолиятини самарали олиб бориш масалаларида сизни ўйлантираётган муаммолар ёки таклифларингиз борми?..

— Ассоциацияни ривожлантириш учун биринчи навбатда барча ноигиронлар жамоат ташкилотлари аъзоллигига эришиш, вилоятларда бўлимлар очиш лозим. Ноигиронлар жамоат ташкилотлари биноларини махсус ахборот технологиялари билан жиҳозлаш ва электрон алоқа тизимини йўлга қўйиш мақсадага мувофиқ бўлади.

Шу ўринда бир оғрикли ҳолатга тўхталиб ўтмоқчиман. Бу ноигиронлиги бўлган шахсларга муносабат масаласидир. Кино яратилди, клип сураатга олишда, телевидениеда ахборот ёки лавга тайёрлашда уларни ноигиронлиги бўлган инсонлар ҳам қўришини ҳисобга олиш зарур. ОАВда ноигиронлик образини нотўғри талқин қилиш ҳолатлари ҳамон учраётди. Уларнинг образи ёрдамга, меҳр-шафқатга муҳтож, жуда ожиз инсон қиёфасида кўрсатилмоқда. Аслида ноигиронлиги бўлган шахслар ўзларини аҳра-тиб кўрсатишларини исташмайди.

Айни вақтдаги долзарб муаммолардан бири ноигиронлар жамоат ташкилотларининг аксариятида ўз биноси йўқлигидир. Хусусан, янги ташкил этилган Ассоциациянинг ҳам. Ўйлаш керакки, қанча бинолардан биттаси Ассоциацияга бириктирилса, улардан унумли фойдаланиш чораларини кўрган бўлар эдик. Масалан, ана шундай битта бинода 10 га яқин ўз биносига эга бўлмаган ноигиронлар ташкилотларини жойлаштириш, турли ўқув курслар, маданий марказ, спорт билан шуғулланиш маркази, махсус автоматлаш ташкил этиш мумкин бўларди.

Сўзим охирида ҳеч қим ноигиронликдан қаноатли ҳимояланмаганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Шунини унутмасак, ноигиронлиги бўлган шахслар манфаати учун қилинаётган ишлар ҳақиқатда самарали ва савобли бўлади, деб ўйлайман.

**«Ўзбекистон овози» мухбири**  
**Махлиё РУСТАМОВА**  
**суҳбатлашди.**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Ноигиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда партия фаоллари, Ноигиронлар, Кўзи ожизлар, Карлар жамиятлари, Ноигиронлар ассоциацияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъуллари ҳамда депутатлар иштирок этди.

## Жамиятда тўсиқсиз муҳит яратилиши

ҳаммамиз учун муҳим

1991 йилда қабул қилинган «Ноигиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда ноигиронлиги бўлган шахсларга тўсиқсиз муҳит яратиш, уларнинг манфаатларини таъминлаш борасидаги иш-лохотларга асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Вақт ва замон янгиланишларни, юксалишларни талаб қилади. Шу маънода, амалдаги қонун БМТнинг «Ноигиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясида белгиланган халқаро стандартларга жавоб бермайдди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 декабрда қабул қилган «Ноигиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мавжуд муаммоларни бартараф этиш, қонунчилигимизни тақомиллаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Унда ноигиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш масалалари қамраб олинган.

Ушбу Фармонга мувофиқ, БМТнинг «Ноигиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик қўриш, «Ноигиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан амалий чора-тадбирлар олиб боришмоқда. Бу қонун ноигиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва реабилитация қилиш самарадорлигини ошириш, уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ишга жойлаштиришда муҳим омил бўлади.

Йиғилишда «Ноигиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасига таклифлар берилди. Хусусан, бундай шахслар турмуш кечирishi, ўқиши, ишлаши учун қандай тўсиқларга дуч келаётганини ўрганиб, уларни бартараф этиш чораларини қонунчиликда акс эттириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Таъкидландики, мазкур ҳужжат ноигиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний манфаатларини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши лозим.

Қонун лойиҳасида давлат ва нодавлат тузилмалар масъулиятини ошириш, «ноигирон» тушунчасини муомилалардан чиқариш, унинг ўрнига «ноигиронлиги бўлган шахс» атамасини жорий этиш кўзда тутилган. Яъни ноигиронлиги бор кишига ноигирон сифатида эмас, шахс сифатида муносабатда бўлиш белгиланади. Бу ёндашув янги қонун лойиҳасининг бутун мазмун-моҳиятига сингдирилди.

Йиғилишда ноигиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш борасида ҳамкорлик масалалари келишиб олинди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



## НУРОНИЙЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЎРМАТ ВА ЭЪТИБОРНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Мазкур нишон билан мамлакатимизнинг иқтисодий, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юрдошларимиз, шунингдек, ишлагандан, ҳаёти-ни оилалар мустақамлигини сақлаш, фарзандларимизни жамият олдига масъулият, миллий ва умуминсоний қадриятларга, катталарга ва ёш авлод вакилларига ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига бағиш-лаб, жамиятимизда ҳурмат қозонган оналар тақдирланади.

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг назорат режасига мувофиқ «Меҳнат фахрийси» кўрак нишонини бериш тартиби тўғрисидаги низом ва номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. «Меҳнат фахрийси» кўрак нишонига номзодларни ўрганиш ва тақдим этиш етти босқичда аниқ умумий талаблар асосида амалга оширилди. Фуқаролар йигини раиси ўринбосари — кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи раҳбарлигида «Нуронийлар жамоатчилик кенгаши» томонидан кўрак нишонига номзодлар рўйхати шакллантирилди. Кўрак нишонига ҳар битта номзод бўйича фуқаролар йигинидаги жамоатчиликнинг фикри батафсил ўрганиб чиқилди.

Жорий йилда республика бўйича жами 873 нафар кекса авлод вакили «Меҳнат фахрийси» кўрак нишони билан тақдирланди. Шундан 182 нафари қишлоқ ҳўжалиги, 59 нафари иқтисодиёт, 102 нафари ишлаб чиқариш, 49 нафари маданият, спорт, 247 нафари нафар, 78 нафари жамоат таъкилотларида самарали меҳнат қилиб, юртимиз равангага муносиб ҳисса қўшган нуронийлардир. Шунингдек, ушбу кўрак нишони билан ишламайдиган, жамиятда мустақам оилани сақлаб қолган, фарзандларини катталарга ва кичик авлодга ҳурмат, жамият олдига тарбиялаб ҳурмат қозонган оналар ҳам тақдирланди.

Президентимизнинг биз нуронийларга жудда катта ғамхўрлик қўрсатиб, дуою насиҳатларимизни олишини ўзининг эзгу мақсади деб билиши барчамизни беҳад хурсанд қилмоқда, — дейди фронт орти меҳнат фахрийси, I даражали «Меҳнат фахрийси» кўрак нишони соҳиби Хумоюддин Шарофидинов. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Меҳнат фахрийси» кўрак нишонининг таъсис этилиши ҳам бизга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборнинг намунасидир. Биз бунга жавобан Юртбошимизнинг мамлакатимизда тинчлик ва оқсоқилликни мустақамлаш, халқимизнинг башти ва фаровонлигини таъминлаш борасидаги сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, бу ишларнинг мазмун-моҳиятини ёшларнинг онги ва қалбига синдиришни ўз бурчимиз, деб биламиз.

Тантанали маросимда I, II, III даражали «Меҳнат фахрийси» нишонлари ўз эгаларига топширилди. Санъат усталари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари — Ўзбекистон фахрийларининг иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Вазирлиги кенгаши раиси Қ.Акмалов, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

«Давоми, бошлангичи 1-бетда».

Байрам АЙТМУРДОВ,  
ЎЗА муҳбири.

# ДАНҒАРАНИНГ ДОНГ ТАРАТИШ ДАВРИ КЕЛДИ

Паррандачилик етти хазинанинг бири деган гапни аждодларимиз жуда топиб айтишган. Эл-юрт фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилмиш бири биридан улкан ислохотлар амалга оширилишида бош-қош бўлаётган муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев, жумладан, ушбу тармоқни ҳам кескин ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётгани бежиз эмас. Олти товуқ оилани боқаркан, бир товуқ келаси йили ўнтага айланаркан. Аммо, шу томони ҳам борки, ҳали ҳеч ким хазинани осонликча қўлга киритмаган. Бунга эришмоқ учун не-не укубатларга чидаш лозим бўлади.


Фарғонанинг Данғарасидаги «Чин-обод парранда» хусусий фермасида бўлганимизда, у ердаги жараёнлар не чоғли сермашаққат эканини ўз кўзимиз билан кўриб билдик. Аввало, катта ишни бошлашга маблағ тўплашнинг ўзи осон кечмади. Дастлаб самарқандлик паррандачилардан туҳум олиб келиб, туман бозорида сотиб юришди. Баҳонада, самарқандликлар иштини миридан сиригача кузатиб, кўзлари пишиб борди.

Озгина хато қилинса, минг азобда топишган маблағ бир кунда соғирлиб кетиши ҳеч гапмас. Ишбилармон Ойбек Тоғаев шундан хавотирлана-хавотирлана, охири таваккалга қўл урди, катта бино қуриб, ишни қирқ мингта товуқни парваришладан бошлади. Хонадонда боқиб юрганлар ҳам яхши биладики, товуқдан нозик жонивор йўқ. Бирон-бир касаллик юқиши ўқда турсин, каттаги захлаб, этини парранда бургаси босса ҳам, ёппа қирилишга тушади. Шу боис, Ойбек малакали ветеринарни ишга олиб, паррандалар ҳолатини доимий назоратда тутишни, турли касалликларга қарши вақтида эмлаб боришни дастлабки кунданок йўлга қўйди. Бунда озука

бир қисмини вақтида гўштга топшириб, ёшлари билан алмаштириб туришга тўғри келади. Ҳозиргача жўжалар ҳам, озука ҳам четдан сотиб олинарди. Буни арзонлатиш мақсадида энди ўзлари инкубатория ва омукта ем ишлаб чиқариш цехини ташкил этишяпти.

Даромадга яраша буромад, деган гап бор. Бу ердаги ишчиларнинг маоши йил сайин кўтарилиб бормоқда, айрим мутахассислар бир ярим миллион сўмдан ошириб ойллик оляпти.

Бу — вилоятдаги ўнлаб бири биридан номдор паррандачилик фермаларидан биттагинаси ҳолос. Масалан, Бешарикдаги «Водий насли» парранда» хусусий корхонасида Германиядан замонавий технологияга эмас, наслдор товуқлар ҳам олиб келиниб, ҳозир уларнинг сони юз мингдан ошиб кетди. Туҳум олишдан ташқари, корхонада инкубатория ҳам қурилиб, аҳолига йилга икки юз минг атрофида жўжа сотилияпти. Айниқса, четдан келтириш қимматга тушаётган эмлаш вакциналарини шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришдек ўта мураккаб ишга қўл уриляётгани алоҳида тасаннога лойиқдир.



сифатига, товуқлар махсусдорлигини таъминловчи барча фойдала элементлар керакли микдорда бўлишига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқ талаб этилади. Ҳатто бинодаги ҳавонинг бузилиши паррандалар соғлигига салбий таъсир қўрсатади. Ана энди, минглаб товуқларнинг тагини тоза тутиш машаққатини ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Бу ерда кунга ўн беш тонна атрофида гўнг тўпланиб, фермерларга пешма-пеш тарқатиб турилади. Туҳумларни йиғиб олиш, махсус идишларга териб жойлаш, айнитмай сақлаш, улгуржи хари-дорларга тарқатиб чиқиш яна бир қийин жараён.

Хайрият, дастлабки йиллар талафот-сиз ўтди, фойда устига фойда олинаверди. Бундан кўнгли кўтарилган табдиркор биноларни кенгайтира бориб, товуқлар сонини аввал етмиш беш мингтага, ўз маблагига банк кредитини қўшиб Италиядан янги технологиялар сотиб олгач, бир юз эллик мингтага етказди. Туҳумлар ички бозордан ортиб, Афғонистонга ҳам чиқарилаётгани тўғрисида экспортнинг ўзидан йилга салкам юз минг доллар даромад олинмоқда.

Товуқлар махсусдорлиги учинчи йилдан эътиборан сусайиб боради. Шу боис,

Илгарилари Данғарада кўзга чалинадиганроқ бирорта корхона бўлмаган. Ойнинг ўн бешини қоронғи, ўн бешини ёрқин деганларидек, бу ернинг қўқон эркин иқтисодий зонасига яқинлиги, талайгина бўш ерлар борлиги, Ташкент трассасига чиқишининг қўлайлиги қўл келиб, инвестиция ёғилиб кира бошлади, энди вилоятдаги саноати энг тараққий этган туманлардан бирига айланыпти. Минтакавий инвестиция дастури асосида электр қўй-нак ва плиталари ясовчи «Данғара мега кўтл», калава бўёқловчи «Мусаввир тех», трикотаж махсуслотлари чиқарувчи «Элегант капитал тикув», «Авалон комфорт транс», бири аҳолибон, бири спорт пойабзаллари етказиб берувчи «Бурсал-шоэс», «Азия-чина шоэс», тахталарни ламинатлаштирувчи «Литл Хусниддин шоэс», хориж бозорларида хари-доригир бўлган моимк сочиклар тўқилувчи «Жаҳон текстиль люкс» сингари корхоналар шу йилнинг ўзида бири-кетини ишга тушмоқда. Ҳатто юртимизда эндигина русумга кираётган гидропоник иссиқхона ҳам ташкил этилди.

«Аюбхон текстиль» хусусий корхонаси асосан эркаклар қўлгаги тикишга ихтисослашган бўлиб, улар юз хилдан



зиёд ранго-ранг русумда бозорга чиқариляпти, ўта бежиримлиги боис тезда таламон бўлиб кетаяпти. Буларга ички бозорнинг ўзидан икки миллионга буортма тушган. Бундан ташқари, чойшаб, рўмолча, футболка, ёзги-қишги ички кийим, пайпоқ кабилардан иборат яна йигирма турдаги махсуслот чиқаришмоқда.

Сариштагина бичув-тикув хоналарида юз эллик нафардан зиёд қизлар бари бир хил коржомга кийиб, қатор ишлаб ўтиришибди. Экспорт ҳажминини ошириш мақсадида хориждан сотиб олинаётган дастгоҳлар ўрнатилса, иш ўрни янада кўпаяди.

Ташландиқ бинони ноль қийматда олиб, корхона фаолиятини қисқа муддатда йўлга қўйиб улгурган, ютуқларни йил сайин мустақамлаб бораётган бу аҳил жамоа раҳбари Дилшода Усмонова вилоятда ўтказилган Йилнинг энг яхши табдиркор аёли» танловида голиб чиққан бежиз эмас.

Хитой билан ҳамкорликда яратилган «Реал кабель инвест» қўшма корхонаси илгари турли хил кабеллар чиқарарди. Кейинроқ, тежамкор диод лампалари ишлаб чиқаришга ўтишган, даромад кескин ошди. Бошда фақат ҳўжалик лампалари ясалган бўлса, энди автомобиль йўллари ёқасига ўрнатилувчи симёғчалардаги ёриткичлар лампаси ҳам шу ерда тайёрланапти. Олдин булар четдан икки баравар қимматга олиб келинарди.

Бу корхонага яна уч ярим гектар ер берилди, учта янги корпус қурилиб, Хитойдан ускуналар олиб келинапти. Махсуслотнинг асосий қисми Хитойнинг ўзига экспорт қилинади.

Табиати асраш, экологик софлиқни таъминлаш, айниқса, чиқиндиларни қайта ишлашни ташкил этиш йўналишида республика миқёсида амалга оширилаётган ўта улкан ишлар Фарғонада ҳам ўз аксини топаётди. Жумладан, Данғарада бу долзарб масалага алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда.

Азалдан техникага беҳад қизиқувчан, асосан Япония, Германия мамлакатларидан келтирилётган экскаватор, бульдозер, грейдер, асфальттекислаци сингари агрегатларни ўзимизда таъмирлашни йўлга қўйиб олган Жаҳонгир Акбаров энди чиқиндиларни қайта ишлаш минзаводини ташкил этишга киришди. Туман ҳокимлиги уни дарҳол қўллаб-қувватлади. Чунки кўп йиллар олдин Қўқон шаҳри ва унинг теграсидаги туманлар чиқиндисига шу ҳудуддаги Қумқиялидан жой ажратилган бўлиб, йигирма гектар жойдаги тўқинчи ўюмлари ҳозирда адир тусини олган, яқинроқдан ўтсангиз, димогингиз ачишади. Инфекциянинг ўчоғи.

Жаҳонгир бу мавзунинг бири ярим йил мобайнида интернет орқали чўқур ўрганди, соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиб, миникорхонани немис технологияси асосида тиклашни маъқул топди. Кластер усулига асосланган бу корхона ишга тушса, бир кеча-кундузда бир юз саккиз тонна чиқинди қайта ишланиб, бундан кунга салкам йигирма минг кубометр метан гази, ўн саккиз тонна дизель ёнлиғиси, қирқ саккиз минг киловатт электр энергияси, беш тонна брикет қўмир олиш мумкин бўлади; тўйинди-га бой тулпоғини табиий ўғит сифатида фермерларга, майда темир-терсақларни қайта қўйиш заводларига жуда арзон баҳода сотиш имкони туғилади. Бошқа давлатларда ҳам шундай технологиялар бор, лекин улардан немисларникича қил хилма-хил махсуслот олинмайди, иш унумдорлиги анча паст.

Табдиркор минзавод корпусини ўз маблагини ҳисобига қуриб, ускуналарни банк кредити ёрдамида сотиб оладиган бўлди. Бу миникорхона фаолият юрта бошласа, камда изта иш ўрни яратилади.

Йўловчилар Сирдарё кўпригининг Фарғона ҳудудига ўтибқ дуч келадиган Чигали бозоридagi довуқдор нонлар шу тумандаги новвойхоналарда ёпилади. Кичик турк, Чигали, Қорақалпоқ қишлоқлари аҳолисининг асосий тирикчилиги шундан. Ўнда оилавий новвойхоналар бор. Айниқса, нонлари фақат бу бозорда эмас, қўшни туманлардаги юзлаб дўконларда ҳам харидоригир бўлиб турган, «Акмал патир», «Санжар патир» бренди билан фаолият юритаётган табдиркорлар новвойхоналарида кунга йигирма қопдан зиёд ун ишлатилади. Бир қопдан бир юз йигирмата патир чиқишини назарда тутсақ, у ёғини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

Нон ёпишни билмаганларнинг даромади ҳам барибир шу соҳа билан боғлиқ, биров новвойларга ўтин ёки қўмир

етказиб беради, биров ёпишган нонларни улгуржи олиб, бозорда устига қўйиб сотади. Бир маҳаллар бу қишлоқларда велосипед ҳам кам учрарди, ҳозир енгил машина кирмаган хонадон йўқ, қўпчилиги фарзандларини махсус мактабларда ўқитади, турли тўғарақларга беради. Барча ўз иши билан бандлиги боисми, кейинги йиллари бу қишлоқларда ҳеч қандай ўғрилиқ содир бўлмади, ҳар хил оқимларга аралашиб қолган бирорта одам йўқ.

Тирикчиликнинг йўли кўп. Ҳамма гап шу йўлни топа билишда, Президентимиз томонидан табдиркорлар учун яратиб берилаётган кенг шароитлар, улгуржи имтиёзлардан самарали фойдалана олинмоша. Бунинг учун чираниб иланиш, зехн солиб кузатиш, билмаганини билганидан суриштириш, бир юмушнинг этганини тутганларга сабр-тоқат билан эргаштиш, бугунги ишни кечагидан пухтароқ қила боришга уриниш лозим бўлади. Янги замоннинг одамлари янги-чираниш билан билганини тобора чўқурроқ англаб, ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам кун сайин кўпроқ ризқ-насиба яратишни ўрганаётгани ўта умидбахш омилдир.

Баъзи гапларга кўра, қай замондаги бир ҳоқон ёғилар билан бўлган жангда катта жасорат қўрсатган шўхратдор Бека ушбу ҳудуд ерларини тўхфа қилаётди: «Бориб, йигитларнинг билан ўтовлар тик, ариқлар оч, экилар эк, жангдагидек данг тарати» деган экан. Бу жойнинг ҳозирги аҳолиси ўша «дангтарат»ганлар авлодлари бўлиб, «Данғара» ҳам айнан шундан келиб чиққан эмас.

Ушбу ривоят асослими-йўқми, билмадик-у, мундоқ қараганда, данғаралиқларнинг чиндан ҳам донг таратиш даври энди келганга ўхшайди.

Анвар ОБИДЖОН,  
Ўзбекистон халқ шоири.



Мушмон ҚОДИРОВ оғли суратлар.

## МАТЕВУТ АНЖУМАНИ

# Пахта ва ғалла етиштирувчи фермерларнинг қарздорликлари 3 йил муддатга музлатилди

«Агробанк» АТБ томонидан «Қишлоқ ҳўжалигида пахта хом ашёси ва бошоқли дон ҳосили етиштиришни молиялаштириш борасида амалга ошириляётган ишлар» мавзусида матевоут анжумани ўтказилди.

Тадбирда фермер ҳўжаликларини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигини даура ҳисоб-китоблар механизми янада тақомиллаштириш, қишлоқ ҳўжалиги махсуслотлари етиштирувчилар ва уларга хизмат қўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляётгани таъкидланди.

Президентимизнинг жорий йил 28 февралдаги «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришнинг молиялаштириш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди банк бошқарувчиси Саидқамол Ходжаев. — Хусусан, ушбу қарор асосида пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларини етиштиришга ихтисослашган фермер ҳўжаликлари учун кенг имкониётлар ва енгилликлар яратилди.

Яъни фермер ҳўжаликларининг 2018 йил 1 январь ҳолатига таъминотчи, хизмат қўрсатувчи ташкилотлар ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидagi қарздорликлари 3 йил муддатга музлатилди. Шунингдек, фермер ҳўжаликларида пахта хом ашёси ва бошоқли дон ҳосили етиштиришни молиялаштириш тизими соддалаштирилди. Яъни аввал кредит фоиз ставкаси ғалла етиштириш бўйича 5 фоиз бўлган бўлса, эндиликда 3 фоизга туширилди. Пахта хом ашёси етиштириш бўйича кредит муддати 14 ой ва бошоқли дон учун эса 12 ой этиб белгиланди.

Эндиликда фермер ҳўжалиги раҳбари соуда ҳисоб-рақамларидаги маблағларни мустақил тасарруф этади. Фермер ҳўжаликлари нефть махсуслотлари, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар учун 100 фоиз



олдиндан тўловни амалга оширган, махсуслотлар етказиб берилади. Жумладан, вегетация даврида, эҳтиёждан келиб чиқиб, фермер буортмадаги барча харажат турларини 15 фоизгача ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлди. Бундан буюн очилган соуда рақамларидан тўлов ва инкасса талабоналари асосида тўлов амалга оширилишига йўл қўйилмайди. Жорий йил ҳосили учун олинган

имтиёзли банк кредитини қоплаш эса топширилган пахта хом ашёси ва бошоқли дон учун тайёрлов корхоналари томонидан ажратилган яқиний ҳисоб-китоб маблағларидан амалга оширилади.

Вегетация даврида туман ҳокимлиги ҳузуридаги ишчи гуруҳи томонидан фермер ҳўжалиги даласидаги экиннинг ҳолати бўйича доимий мониторинг ўтказиб борилади. Ушбу мониторинг

натijasига кўра, экин экилмаган, униб чиқмаган ёки экин ҳолати қониқарсизлиги аниқланганда, ушбу ҳолат далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатномага асосан тижорат банки филиали томонидан фермер ҳўжалиги имтиёзли кредит ажратиш тўхтатилади ва ажратилган имтиёзли кредитларни қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан олдин ундириш чоралари қўрилади.

Пахта ва ғаллани сугоришда фойдаланиляётган электр насослари бўйича электр энергияси харажатлари давлат бюджетни субсидиялари ҳисобидан қопланиши ҳам белгиланди. Бу эса етиштириляётган махсуслот таннарихи арзонлашишига, фермер ҳўжалигининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, банк ағар соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жорий йилнинг 2 апрелидан бошлаб банк филиалларида хорижий VISA картадаги маблағларни

нақд шаклда олиш имонияти яратилган бўлса, «Agrobankmobile» иловаси орқали эса миллий валютани хорижий валютага конвертация қилиш йўлга қўйилди.

Аҳоли ва мижозларга қўлай ҳамда сифатли хизматларни кўрсатиш мақсадида банкнинг республика бўйича қўшмача 36 янги мини-банкни очилди. Ҳозирги кунда банк тизимида 200 дан зиёд ана шундай мини-банк фаолият қўрсатмоқда. Ушбу мини-банкларда кредитларни расмийлаштириш, халқаро пул ўтказмалари, валюта айирбошлаш, коммунал тўловларни қабул қилиш, пластик карталар билан амалиётлар каби ўнлаб банк хизмат турлари йўлга қўйилган.

Энг муҳим янгиликлардан яна бири тез кунда пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирувчи фермер ҳўжаликлари «Agrobank Mobile-business» иловаси орқали онлайн тарзда масофадан туриб зарур тўловларни амалга оширишлари мумкин бўлади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Муносабат

# Миллий ва диний қадриятларимизга юксак эътибор

Дастлаб Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил қилиш билан бошланган хайрли ишлар кўлами тобора кенгайиб, жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашга қаратилган дадил қадамлар ташланди. Илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қиладиган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Мир Араб олий мадрасаси, Ислон цивилизацияси маркази, Ислон академияси каби илм-ирфон масканларининг ташкил қилиниши бунинг ёрқин далили бўлди.

Жорий йилнинг ўзига амалга оширилган ишларнинг кўлами шу қадар кенг, аҳамияти шу қадар улканки, бунинг эътирофи эътибор, шуқронасини қилмоқ керак. Халқимизнинг қалбимизни қувончга, нурга тўлдирган Қуръон мусобақаси республика миқёсида ўтказилиши билан юртимиз бўйлаб Аллоҳнинг муборақ Каломи янграй бошлади. Бу нафақат юртимиз учун, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан аҳамиятга эга воқеа бўлган тарихий ҳодисадир. Яратганга шукри, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган аждодларимизнинг армонлари ушалди, юз йиллик орзуларимиз рўйбга чиқди.

Энди ушбу хайрли ишларнинг ўзига хос сарҳисоби ўларок, динимизнинг раънақи, халқимизнинг порлоқ келажаги йўлида қилинажак улғу ишларнинг дастуриламали бўладиган «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон имзоланди. Ушбу фармон диний-маърифий соҳадаги барча

(Давоми, бошланғич 1-бетда)

сайёҳаракатларни мувофиқлаштириш, самарасини ошириш, кўламини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, айти пайтда бу соҳада хизмат қилиши лозим бўлган юқори малакали, янгилаб фикрлайдиган, чинакам ватанпарвар, эзгу эътиқодли кадрлар тайёрлашни ҳам кўзда тутгани алоҳида таҳсинга сазовордир.

Мазкур фармон ҳар бир юртошимизнинг зиммасига шарафли

тасаввуф, ислоний иқтисодиёт ва молиявий масалалар, халқаро муносабатлар каби муҳим йўналишлар бўйича таълим олиш ва малака оширишнинг яхлит тизимини ташкил этишга имкон беради. Айниқса, Ислон цивилизацияси марказининг олий диний-маърифий таълим муассасаси шаклидаги Ҳадис илми мактабининг барпо этилиши ниҳоятда қувончли воқеадир.

диний-маърифий асарларни чоп этиш ва аҳолига етказишга кўмаклашиш, шунингдек, уй-жойга муҳтож ходимларни хизмат уй-жойлари билан таъминлаш ҳам киритилгани динга, дин ходимларига, илм-маърифатга чинакам эътибор, илм аҳлига юксак эътибор намунаси.

Фармонда яна бир гўзал ташаббус борки, у ҳақда алоҳида тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Диний-маърифий, умуман халқимиз қадриятлари, маънавийтини юксалтириш соҳасида сидқиқидилдан хизмат қиладиган зиё аҳлларининг, дин пешволарининг машаққатли меҳнатини эътироф этиб, уларни рағбатлантириш ва муносиб тақдирлаш мақсадида «Имом Бухорий» давлат мукофоти таъсис этилди. Бу юксак мукофот Ислон илм-фани ва маданиятига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва бой илмий меросини чуқур ўрганиш, мамлакатимиз доғруғини жаҳон миқёсида кенг ёйиш ишига муносиб ҳисса қўшган маърифатпарвар инсонларга берилиши кўзда тутилган.

Биз — дин ходимлари, илм аҳлига бундай юксак эътибор учун, халқимизнинг келажаги, юртимизнинг истиқболига бу қадар ғамхўрлик учун бу хайрли ишларга мутасадди бўлаётган барча аъза-аъзоларимизга бутун ўзбек халқи номидан самимий миннатдорчилик изҳор қилиб, ташаккурлар айтамыз. Аллоҳ таоло барча хайрли ишларимизни бардавом айлсин, азиз ватанимизни жаннатмакон қилсин!

Раҳматulloҳ САЙФУДДИНОВ,  
Имом Бухорий номидаги  
Тошкент Ислон институти ўқитувчиси.

“ Ўзбекистон халқаро Ислон академиясини ташкил этилгани диний — маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришга нақадар катта эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

масъулият юклайди. Жаҳолатга қарши маърифат ила курашиш, динимизнинг асл моҳиятини кенг ёйиш бугунги кунда ҳар бир жонкуяр фуқаронинг, юртининг бугуни ва эртаси олдига масъулият ҳис қиладиган, халқининг келажаги ҳақида қайғурадиган ҳар бир кишининг вазифасидир. Диний-ижтимоий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази, Ўзбекистон халқаро Ислон академиясини ташкил этилгани диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришга нақадар катта эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Бу эса юртимизда Қуръон илмлари, ҳадис илми, фикр, ақийда,

Миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш борасидаги яна бир муҳим қадам — масжид-мадрасалар қуриш ва таъмирлаш, тарихий-меъморий аҳамиятга эга бўлган зиёратгоҳларни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш билан шуғулланадиган «Вақф» хайрия жамоат фонднинг ташкил қилиниши бўлди. Шунингдек, ушбу фонд ваколатига масжид-мадрасалар, илмий марказларнинг фаолиятини молиялаштириш, хусусан имом-хатиблар, имом ноиблари, мутаваллилар, муаззинлар, мударрислар, мутахассислар ва толиби илмларни моддий ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш,

## ТАҲРИРИЯТГА ЖАВОБ ХАТИ КЕЛДИ

Газетамизнинг 8 февраль сонидида чоп этилган «Масъулиятсизлик муаммоларни келтириб чиқаради, одамларни оғир қилади, жамиятга зиён етказиши» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда «Ўзбекино» миллий агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бўлими билан «Хоразм вилоят кинофонди» давлат унитар корхонаси ўртасида вужудга келган можарога икки йилдан буюн ечим топилаётгани, бу масала фуқаролик ишлари бўйича судларда қайта-қайта қўрилаётгани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.

## ДАЪВО ТАЛАБЛАРИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛМАДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят судидан келган жавоб хатида қуйидагилар маълум қилинади:

«Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг 2017 йил 16 мартдаги ҳал қилув қарорига қўра, даъвогар Раҳимов Руслан Рустамович, Юлдашев Атабек, Атажанов Умид Камилжанович, Жуманиязова Зулфия Ходжаниязовналарнинг жавобгар «Ўзбекино» миллий агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бўлими, шерик жавобгар ТИФ Миллий банк Урганч бўлимига нисбатан «мажбурий прогнл вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш ҳақида»ги даъво аризаси қисман қаноатлантирилган.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб, жавобгар «Ўзбекино» миллий агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бўлими апелляция тартибидида шикоят келтириб, унда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво аризани рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқаришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 20 июндаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 20 июндаги ажрими билан «Ўзбекино» миллий агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бўлими, шерик жавобгар ТИФ Миллий банк Урганч бўлимига нисбатан «мажбурий прогнл вақти учун иш ҳақи, адвокат харажатларини ундириш ҳақида»ги даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган. Даъво аризасидаги Элбек Отажановнинг имзосини қалбақлаштиришга алоқадор шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун хусусий ажрим чиқарилиб, Хоразм вилоят прокуратурасига юборилган.

Вилоят суди раиси  
Ж.Нафасов.

## РЕКЛАМА

**ЕМММ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа восита-лари (узоқ масофали радиоузеллар, радиостанциялар ва бошқа радиоузеллар воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

**Бизнинг манзиллар:**

|                |                                                                |                                                          |                                                                   |
|----------------|----------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------|
| Тошкент шаҳри, | Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.  | Наманган шаҳри,                                          | Марғилон кўчаси, 8-«А» уй. 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72. |
| Андижон шаҳри, | Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.          | Самарқанд вилояти,                                       | Ўрташқ қишлоғи, Радио шаҳарча, телефон: 230-64-80.                |
| Бухоро шаҳри,  | Академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.          | Термиз шаҳри,                                            | Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.                    |
| Жиззах шаҳри,  | Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68. | Гулистон шаҳри,                                          | Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.                    |
| Нукус шаҳри,   | Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.        | Фарғона шаҳри,                                           | Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.     |
| Қарши шаҳри,   | 2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.              | Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: 230-64-77. |                                                                   |
| Навоий шаҳри,  | Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.         | Урганч шаҳри,                                            |                                                                   |

**ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»**

**ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:**

► Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.  
► Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.  
► Ямобуры.  
► Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.  
► Самосвалы — 3Т, 4,5Т, 9Т.

**ГАРАНТИЯ 1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Тошкент шаҳар Олмазор туманида рўйхатдан ўтган «ORB FOOD» масъулияти чекланган жамияти (ОКПО 26816147), (ИНН 304565694)

**ТУГАТИЛАДИ.**  
Даъво ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Телефон: (+99893) 405-88-61

## O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsatid bilan amalga oshiriladi.

Г — 438. 11551 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 23:15.

Topshirilgan vaqti — 00:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7633

4 7 2 0 3 0 1 7 6 3 0 0 8

Газетанинг электрон сарҳисога ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқили сканер қилинг.

2 3 4 5 6